

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Фан: Дизайн тарихи

РЕФЕРАТ

МАВЗУ: Греция архитектураси ва дизайни тарихи. Рим маданияти.

Бажарди: Архетектура фак. 301гр.дизайн
Митанова Г
Текширди: Жонузоқов А.

САМАРҚАНД – 2012

МАВЗУ: Греция архитектураси ва дизайни тарихи. Рим маданияти.

РЕЖА:

- 1. Греция: эр. ав. V асрда Грециянинг ривожланиши.*
- 2. Грек хонадони ва ундаги буюмлар муҳити.*
- 3. Керамик идишлар пластикаси, мақсадга мувофиқлиги ва хилма-хиллиги.*
- 4. Ҳайкалтарошлик ва архитектура формаларининг бир бутунлиги, конструкция қисмларининг узвийлиги. Буюмлар шакли, тасвирлари, нақшларининг мукамаллиги.*
- 5. Рим эр. ав. VI асрда Рим давлати. Рим маданиятига улар босиб олган халқлар турмуши, динлари, санъатининг таъсири. Рим шаҳрининг пухта ўйлаб ишланган муҳити.*
- 6. Катта тамошалар кўрсатиладиган мураккаб иншоотлар, термлар, фавворалар, кенг майдонлар, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик дўконлари тизими.*
- 7. Рим ижтимоий турмушида “муҳитни функционал ҳал этиш” тамойили, меҳнат жараёнини ташкил этишининг биринчи кўринишлари.*
- 8. Инсула ва домус – камбағал ва бадавлат кишилар учун мўлжалланган уйлар. Уларнинг жиҳозланиши.*
- 9. Идишлар ва жиҳозлардаги антиқа топилмалар ва уларнинг такомиллашиб бориши.*
- 10. Буюмлар ва катта қурилмаларда конструкция билан бадиийликнинг уйғунлашуви.*

1. Греция: эр. ав. V асрда Грециянинг ривожланиши.

Эрамиздан олдинги V асрга келиб ўтмишнинг яна бир бошқа буюк цивилизацияси — антик давр Грециясининг гуллаб-яшнаши бошланади.

Греция кудратли бўлган даврларда унинг сиёсий ва маданий маркази Афина бўлган эди. Ўша даврларда йирик шаҳар Афинанинг иморатлари анча тартибсиз қурилган эди. Оқ суяк афиналикнинг уй-жойи оддийгина: тарашланган тошдан қилинган деворлар оҳақ билан оқланарди. Кичик-кичик хоналарда устига чойшаб ёпилган ўрин-тўшак, стул, курсилар, сандиклар бўларди. Бир нечта чиройли кўзачалар бўлар, деворларга қурол осиб қўйилар, оддий мойчирок ва манкал — уйнинг беағи бор-йўғи мана шундан иборат эди. Лекин булар греклар уй-жойларининг қиёфасига бефарқ, деган маънони асло билдирмасди. Қадимги грек ёзувчиси ва тарихчиси Ксенофонтнинг қаҳрамонларидан бири мана нималар дейди: «Кундалик ишлатиладиган энг оддий мебель, уй-рўзғорда ишлатиладиган энг оддий буюмлар тўғри жой-жойига қўйилса, ниҳоятда чиройли кўринади, ҳатто ошхонадаги туваклар ақл билан жойлаштирилган бўлса, ёқимли кўринишга эга бўлади».

Греция ўз гуллаб-яшнаган даврини ўтиб бўлгандан кейингина унда бадавлат хусусий уйлар пайдо бўла бошлади. Лекин жамоат биноларини қуришга келганда ҳеч қандай чиқимлар билан ҳисоблашишмади. Афинанинг марказидаги тепаликда машҳур Парфенон қад кўтарди, унинг устида Афина шаҳрининг ҳомийси Палладанинг улкан ҳайкали бунёд этилди. Бу тўққиз метрли ҳайкал қимматбаҳо тошлар, фил суяги, олтин билан безатилди. Ҳатто бор-йўғи юз-икки юзта хонадондан иборат кичик шаҳарчада ҳам ўз театри,

стадиони, қаср ва йиғилишлар ҳамда савдо килинадиган жой — *агора* бор эди. Антик грекларнинг ҳаёти оммавий характерда эди, шу сабабли хусусий нарсалар ижтимоий нарсалардан кейин турарди.

2. Грек хонадони ва ундаги буюмлар муҳити.

Асосан мисрликлардан ўзлаштириб олинган буюмлар фақат энг олдинги намуналаридагина ўз «аждодлари»га ўхшашликни сақлаб қолган эди: архаик рельефлардаги креслолар баъзан Миср ҳукмдорларининг тахтларини эслатиб туради. Фақат буюмларнинг ўзи ўзгариб қолмай, уларнинг вазифаси, роли, уларга бўлган муносабат ҳам ўзгарди.

Каравотларга жун тикилган коплар тўшаларди, устига яна ёстиклар ташланарди. Каравотларда фақат ухламасдан, ёзиш ёки ўқиш керак бўлиб қолганда ёнбошлаб ўтиришарди: бир неча қаттик тикилган ёстиклар ярим ётган ҳолатни сақлаш учун таянч бўлиб хизмат қиларди. Овкатланиш вақтида хизматкорлар каравотлар олдида паст стўлчалар (трапедза) қўйишар, уларнинг устидаги нарсалар кўриниб турарди. Бу столчалар одатдаги столлардан кўра, кўпроқ ингичка таянчда турган патнисларни эслатарди.



Грек маданияти эстетик завқланишнинг архитектура иншоотидаги кўтариловчи ва кўтарувчи нарсаларни карама-қарши қўйиш каби мутлако янги манбаларни очиб берди. Бинонинг таянчлари (устунлар, девор қисмлари)га анча жиддий тус берилди, уни жонли организмнинг мускуллари билан киёслаш мумкин эди. Уларнинг потенциал кўтарувчи кучи уларда ётган тош ғўлаларнинг босими билан боғлиқдир. Бу карама-қарши қўйишнинг барча нозик томонлари, кўтариловчи ва кўтарувчи нарсаларнинг бутун гўзаллиги мукаммал даражага етказилган ва ордерлар системасига қўшилиб кетган бўлиб, улар бизнинг давримизгача сақланиб келган.

Греklarнинг архитектура иншоотини организм сифатида англаган ҳолда чуқур реалистик тушуниш эстетикаси бутун буюмлар оламига тарқалди.

Бу жихатдан греklar стули айниқса алоҳида диққатга сазовордир; *клизмос* деб аталадиган бу стуллар бизнинг ҳозирги стулларимизни айнан эслатиб туради. Бу ўринда биз буюмларнинг ички структурасини, унинг композицион ўзагини топишдан иборат чинакам греklarга хос интилиш намунасига дуч келамиз. Орқа суянчиққа айланиб кетадиган олдинги таянчлар ҳам, кетинги таянчлар ҳам охирига томон торайиб кетарди. Уларнинг абрис (чизмаси) ўриндикдан узоклашган сари тобора қияроқ бўлиб борарди. Ўриндик маҳкамланган жойдаги, яъни материалнинг кичик таранглиги ҳаммадан кўра кўпроқ бўлган жойдаги таянчлар анча йўғонлашиб кетарди. Ана шу жойда ўриндик билан оёқ катта мих (нагель) билан маҳкамланарди. Шуниси характерлики, клизмоснинг энг умумлашган тасвирларида мих каллаги ҳамиша аниқ кўзга ташланиб турарди. Клизмос одатдан ташқари чиройли бўлиб, унинг

барча тузилиши ва деталлари фақат муайян конструктив маънога эга бўлиб қолмасдан, ана шу маънони таъкидлаб турар, унга эстетик тус беради. Чунончи, ўша даврдаги архитектура иншоотлари каби кундалик рўзгор буюмини ҳам греклар конструктив тафаккурининг ўзига хос модели деб қараш мумкин.

3. Керамик идишлар пластикаси, мақсадга мувофиқлиги ва хилма-хиллиги.

Мақсадга мувофиқлик эстетикасини бошқа шаклларда ҳам кузатиш қийин эмас. Ҳар қандай эҳтиёжни кондирувчи машҳур грек керамикаси (ундан ошхона идишлари ва озиқ-овкатларни сақлайдиган идишлар, ёритгичлар ва бошқа кўп нарсалар қилинади) бу жиҳатдан жуда диққатга сазовордир. Греклар кўзаси ёки идишнинг ҳар қандай кўриниши ёки хили (уларнинг ўз номига эга бўлганлари ўнларча саналарди) ўз вазифасига эга эди ва бу вазифа фақат буюмнинг формасида, унинг моделировкасида намоён бўлиб қолмай, шу билан бирга кўзга ташланиб турувчи эстетик сифатларида ҳам билиниб турарди. Афтидан *гидрия* (сув солинадиган идишни) фақат сувга тўлдириб, ташишга қулай бўлиб қолмасдан, уни бадиий тасвир белгиларига қараб бошқа идишлардан фарклаш ҳам мумкин. Бинобарин, балиқ таомлари солинадиган чуқур ликоблар ҳам, сув билан винони аралаштирадиган *картер*лар ҳам ўзининг мақсадга мувофиқ аниқ, мукамал формасига эгадир. Мойчирок мисрликларда оддий чиройли идиш ҳисобланган бўлса, Грецияда кўзга ташланиб турадиган функционал хусусиятларга эга бўлди: ташқарига пилик чиқариладиган томондан корпуси чўзик, бўлиб, бурун шаклини эслатарди. Мойчироқни бир

жойдан бошқа жойга кўчириш учун туткич хизмат қилди, мой сочилиб кетмаслиги учун ёнилғи солинган идиш қопқоқ билан бекитиладиган бўлди.

4. Ҳайкалтарошлик ва архитектура формаларининг бир бутунлиги, конструкция қисмларининг узвийлиги. Буюмлар шакли, тасвирлари, нақшларининг мукамаллиги.

Ҳамма буюмлар ички томондан одамга қиёсланарди. Шуниси ажойибки анъанавий қат-қат кийимдаги айл фигураси климос тасвирлари билан канчалик узвий боғланиб кетган бўлса, бу стулнинг суянчиғи ҳам одам гавдасининг қиёфасига жуда нозиклик билан мослашиб кетади. Шунинг учун кўзага расм



солувчилар кўпинча идиш кўтариб кетаётган аёллар фигурасининг тасвири каби ана шу мотивни танлаганликлари бежиз эмас. Буюмга жонли организм сингари караш кўзаларнинг қисмларини аташда ҳам кўзга ташланади: торайиб кетган юкори қисми бўйин, асосий қисми гавда, таги оёқ деб аталган.

Миср санъати учун характерли бўлган ҳайкалтарошлик ва архитектура формаларининг бир бутунлиги (яхлитлиги) греклардаги уларнинг аниқ ва изчил бўлиниши билан алмашди. Ҳайкал сира буюмнинг бутун юзасини қопламаган, у катъий аниқ бир жойда жойлашган. Нақшнинг барча оз микдордаги типлари- пальметта, меандр, киматий ва бошкалар ниҳоятда мукаммал бўлган. Рассом ўз бўёклари палитрасидан ёки музикачи торлардан аниқ нисбатларда, топилган интервалларда, махсус танланган жойларда қандай фойдаланган бўлса, грек устаси ҳам улардан шундай фойдаланган.



Мебель ва идишлар, пардоз ашёлари ва музика асбобларининг ҳар бири ўз негизида амалий аҳамиятга эга бўлиб, маълум мақсадга хизмат қилган. Ҳунар санъатдан ажралмаган: греклар ерида фақат амалий аҳамиятга эга бўлган ва фақат безак учун хизмат қилган бирорта ҳам буюм бўлмаган деса бўлади. Донғи кетган рассомлар майда пластика билан шуғулланганлар, уй-рўзгор

керамикасини эса кўзага моҳир гул солувчилар беаганлар. Греклар учун барча кўзга кўриниб турган нарсалар муҳим ва зарур бўлган, чунки буюмлар олами яхлит ва узвий тарзда идрок этилган. Бу ҳол факат орнаментикага асосланиб қолмай, шу билан бирга логика ва конструктивликка, пластика ва буюмнинг узвийлигига бўлган умумий муносабатга асосланган эди.

5. Рим эр. ав. VI асрда Рим давлати. Рим маданиятига улар босиб олган халқлар турмуши, динлари, санъатининг таъсири. Рим шаҳрининг пухта ўйлаб ишланган муҳити.

Рим давлати ўз ҳаётини тахминан эрамиздан олдинги VI асрда бошлаган. Римликларнинг Марказий Европани, Шимолий Африкани, Якин Шарқни забт қилиши ўзи билан бирга турли халқлар таъсирини улар турмуши, динлари, санъати таъсирини олиб келди. Лекин Римнинг маданий ҳаётида греклар, албатта, алоҳида ўрин тутди.

Рим ўзининг куч-кудратга тўлган даврида ҳажми жиҳатидан ўзининг катта биродари — кариб юз минг аҳолига эга бўлган Афина билан таққослаб бўлмайдиган даражада катта бўлиб кетган эди. Унда бир миллиондан ортиқ эркин гражданлар, гуноҳи авф этилган эркин кишилар ва куллар яшарди. Турли тилларда сўзлашувчи кишилар оммаси шаҳарнинг тор кўчаларини тўлдирган бўлиб, улар савлат тўкиб ўтириб олган амалдорларни замбилларда кўтариб кетаётган кулларга вақт-вақти билан йўл берар эдилар. Икки ғилдиракли аравалар ҳам, юк ортилган аравалар ҳам кундуз кунлари кўчалардан ўтолмасди.

Шаҳарнинг бутун ғоят мураккаб муҳити ўша даврларда пухта ўйлаб ташкил этилган ва мукамал эди. Кудуқлар ва фонтанларга трубалар оркали сув

келиб турар, аҳлатлар канализация системаси орқали тозалаб туриларди. Шаҳар маъмурлари жамоат тартибини кузатиб борар, ҳатто ёнғинга қарши кураш хизмати ташкил этилган эди.

6. Катта тамошалар кўрсатиладиган мураккаб иншоотлар, термлар, фавворалар, кенг майдонлар, савдо-сотиқ, хунармандчилик дўконлари тизими.

Кўпдан-кўп турли муассасалар Рим аҳолисига хизмат кўрсатарди. Халқорасида ғоят оммалашиб кетган томошаларни кўриб завқланиш учун ажойиб стадионлар, театрлар ва жуда мураккаб қурилмаларга эга бўлган цирклар мавжуд эди, улар, масалан, аренани сув ҳавзасига айлантиришга ва унда денгиз жанглари ўйнашга имкон берарди. Бошқача хилда вақт ўтказиш учун термлар — ҳозирги клуб билан... ҳаммом ўртасидаги бир нарса — хизмат қиларди. Бу ғоят улкан комплекслар жисмоний машқлар ўтказиш учун жойларни, машғулотлар ва фалсафий тортишувлар учун галереялар ва залларни, совук ва иссиқ сувли буғхоналар ва ҳовузларни ўз ичига қамраб олган эди. Нозик суҳбатларнинг ишқибозлари мармар скамейкаларда ўтириб олиб узлуксиз мунозаралар ўтказишарди. Одамлар у хонадан бу хонага ўтиб, ўзларини овутишар, ювинишар, китоб ўқишар, шунчаки дам олишарди. Бу ерда аклий нарсалар жисмоний нарсалар билан ғайри оддий тарзда қўшилиб кетарди. Термлар ўша даврдаги мураккаб техник қурилмаларни талаб қиларди. Чунки ҳар бир хонада муайян ҳаракат сақланар, сув алмаштирилиб, ҳаво янгиланиб туриши, зал узлуксиз шамоллатиб турилиши керак эди.

Диоклетиан термлари бир вақтнинг гўзида қарийб 1800 кишини сиғдира оларди.

1. Рим ижтимоий турмушида “муҳитни функционал ҳал этиш” тамойили, меҳнат жараёнини ташкил этишнинг биринчи кўринишлари.

Рим аҳолисининг оддий, кундалик эҳтиёжлари ҳам бор эди: кўпгина савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик дўконлари, ошхоналар, меҳмонхоналар (улар уйларнинг биринчи каватларини эгалларди) улар эҳтиёжларини қондирар эди. Шу жойнинг ўзида савдогарлар ва пул майдаловчиларнинг дўкончалари кўчаларни тўлдириб ташлаганди. Қадимги Римнинг ижтимоий турмушини ташкил этишда биз ҳозирги кунда «муҳитни функционал ҳал қилиш» деб атайдиган



нарсалар билан биринчи бор дуч келамиз. Бунинг учун бир мунча чекланган бўшлиқ ҳисоблаб чиқилади ва жиҳозланади. Масалан, этикдўзнинг устахонаси ана шундай жиҳозланган бўлиб, унда товарни кўрсатиш учун махсус шкаф-витрина, янги кийимни ўлчаш мумкин бўлсин учун қулай пештахта бор эди.

Эгаси шкаф-витринанинг тавақаларини ёпиб қўйиб, уни товарлар сақланадиган жойга айлантирарди. Тезроқ тамадди қилиб олишга мўлжалланган хўрак хсна мураккаброк қурилган эди. Унинг ўзига хос схемаси бор эди: Г-симон тош пештахта айнаи бир вақтда савдо-сотик учун ҳам, пештахталардаги катта идишларда сақланаётган таомни иситиш учун ҳам хизмат қиларди. Энсиз томонда ўчоқ ўрнатилган бўлиб, ундан паст томонга иситилган ҳаво юбориларди; пештахтанинг қарама-қарши томонида тоза идишлар тўплаб қўйиларди.

Буларнинг ҳаммаси унчалик мураккаб жиҳозланмагандай туюлади, лекин биз уларни меҳнат жараёнларини ташкил этишнинг тарихда биринчи мисоллари деб қарашимиз ва уларга етарли баҳо бермаслигимиз мумкин эмас.

2. Инсула ва домус – камбағал ва бадавлат кишилар учун мўлжалланган уйлар. Уларнинг жиҳозланиши.

Қадимги Рим жамиятининг оммавий характерда бўлиши турмушга бўлган қизиқишни асло сўндирмасди. Лекин бадавлат бўлмаган кишилар кўп ҳолларда **инсула** (айнан орол маъносида) деб аталган кўп қаватли уйларда истиқомат қилардилар. Икки-уч қаватли тор квартираларнинг ҳатто ўчоғи ҳам бўлмасди, уларга тор зиналар ва ўтиш йўллари орқали кириларди. Инсулалар Европа шаҳарларидаги кўп қаватли шаҳар қурилишининг тимсоли эди.

Домус деб аталган шахсий уйларда давлатманд граждланлар истиқомат қилишарди. Помпейнинг вулкон кулларида тозаланган бебаҳо топилмалар туфайли бу уйлар ва уларнинг сақланиб қолган эътиборга лойик тафсилотлари бизгача етиб келган. Домуснинг хоналари (грекларнинг уйларидаги каби)

атриум — куёш томонга қараган шипеиз хоналар атрофида тўпланган бўлиб, уларнинг ўртасида ёмғир сувларини жамлаш учун ҳовузча бор эди. Уйда хўжалик хоналари ва омборхоналардан ташқари бир нечта ётоқхона ва ошхона (баъзан бир нечта ошхона) бўларди. Ҳаво яхши бўлган вақтда боғда овқатланишарди. Грецияда бўлгани каби бу ерда ҳам овқатланиш вақтида ёнбошлаб ўтиришарди. Стол атрофига учта қаравот қўйилган бўлиб, уларда уч киши ёнбошларди. Меҳмонларга орқада турган хизматкорлар хизмат кўрсатишарди, айна вақтда сервировка ва таомларни алмаштириш столнинг қарма-қарши томонида олиб бориладди. Кўчадан тўғри қириладиган хоналар баланд ва кенг қилиб қуриладди.



Уларнинг деворларига кўпинча чиройли нақшлар солинар, аслида бошқа нарсалар билан банд қилинмас, кўпол мебеллар йўқ эди. Умуман уйдаги буюмлар унчалик кўп бўлмасди: ўтиргичлар, уч оёқли столлар, манкал бўларди. Шамдонлар—ёруғлик манбаларини саклаб турувчи қурилмалар; ғоят хилма-хил — катта ва кичик, пол устида ва стол устида турадиган, мрамор ва бронзадан ишланган бўлиб, мой тўлдирилган шиликли идишлар ҳам бўларди. Барча буюмлар заруратга қараб бир жойдан иккинчи жойга, бир хонадан иккинчисига кўчириб юриладди.

3. Идишлар ва жиҳозлардаги антиқа топишмалар ва уларнинг такомиллашиб бориши.

Уй-жой жиҳозлари технологияси анча содда эди — манқаллар қиздирилган кўмир билан иситилар, ёритиш мойли ёритгичларни аямай ёкишга асосланганди. Лекин шунга қарамай, буларнинг ҳаммасида кўпгина техник янгиликлар бор эди.

Масалан, ичимликларни иситишга мўлжалланган турли курилма-лар диккатга моликдир. Улардан бири— энг диккатга сазовори — *аутенса* (антик самовар)дир. Хурмачага ўхшаган баланд идишда иккита очиқ жой бўлиб, биттасига кўмир, иккинчисига суюқлик солинади. Ен томондаги махсус тешик орқали қиздирилган кўмир ташланар, суюқлик эса чўмич ёрдамида солинар ва куйиб олинади — аутепсанинг жўмраги йўк эди. Иссиқ вақтда идишга кўмир ўрнига шаҳарга ташиб келтириладиган муз солинар ва шу тариқа суюқлик совитиларди.

Янада такомиллашган «самовар» ҳам мавжуд эди. Унинг ўрта қисмида кўмир солинадиган бўшлик, пастида кулни чиқариб ташлаш ва ҳаво ўтиши учун оташхона бор эди. Ана шу бўшлик билан ташки деворлар ўртасида сув туради. Қопқокни бироз очиб ҳар иккала бўшликни — кўмир солинадиган ўрта ва суюқлик учун периметрал бўшликни кўриш мумкин. Ен томондаги махсус кенгайтирилган жой орқали «самовар» тўлдирилар, буғ ҳам шу ердан чиқарди.

Овқатни иситишга мўлжалланган мосламалар манқални эслатарди: булар ораси бўшлик деворли яшиқлар бўлиб, ичига кўмир тўлдирилар, бўшликка эса суюқлик куйиларди, Бундай курилма пастда ўрнатилган идишлар билан бирлаштириларди. Анча пухта ва ишнинг кўзини билиб килинган такомиллашувлар ҳам бор эди. Трубасимон стойкани суриш ёрдамида шамдон

баландлигини созлаш бунга мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Буюмнинг баландлигини ўзгартиришнинг бошқа бир мисоли енгил столчалар конструкциясида учраган; бу ерда бронзали стерженлардан ясалган параллелограммнинг бизга таниш бўлган шарнир системаси татбиқ этилган.

Ошхона идишлари яхши ўйлаб кўрилган эди. Ҳатто оддий челақ ҳам ўзининг барча деталлари билан жуда мақсадга мувофиқ эди: пачоқланиши ва эгилиши эҳтимоли кўпроқ бўлган юқориги қисми кенгайиб кетган бўлиб, ана шу йўғон жойга шарнир билан тутқич ўрнатилган. Ҳозирга қадар ҳам челақни ана шу тарзда ясаб келишади. Горизонтал тутқичли кастрюл, четлари эгилган ва тумшуғи бор товалар (ичидаги нарсани кўйиш осон бўлиши учун шундай қилинган) ҳам ихчамдир. Печеньелар пишириш учун махсус колиплар ва противнялар хизмат қилган. Ана шундай ошхона идишлари тўпламидан ҳозир ҳам фойдаланиш мумкин.

4. Буюмлар ва катта қурилмаларда конструкция билан бадиийликнинг уйғунлашуви.

Шуниси характерлики, буюмларнинг хиллари озроқ бўлса ҳам, айти бир хил ва ҳаммага маълум бўлган буюмларнинг схемаларига турли бадиий либослар кийдиришарди. Римликлар ўз буюмлари — мебель, анжомларни (худди архитектор каби) очик безатишарди. Буюмнинг устки копламаси, ташқи кобиғи баъзан жуда оддий асосни ёпиб турарди. Дабдабали зиёфатлар учун мўлжалланган каравотларнинг ёки ҳашаматли курсиларнинг нозик ишланган профилли оёқлари курук элементларнинг стерженларига тизилган нарсалар тўплами эди. Ёғоч асоснинг юзаси бронза листи билан, кумуш накладка, фил

суяги билан, бронза рама эса сиртидан қимматбаҳо металл билан безатиларди. Буюмнинг чинакам конструктив материали топилмасди, ҳар ҳолда римликлар бунга бефарқ қарар эдилар. Лекин улар тугалланган фойдали функционал ҳажмга думалок скульптуралар ёки архитектура фрагментларини дадиллик билан ўрнатиб қўйишарди.

Баъзан зўр скульптурали ҳашамларга қизиқиш, назаримизда, ниҳоятда беқийс эди. Столнинг мрамрдан ўйиб ишланган таянчи ҳайвон оёғининг шаклига эга бўлиши мумкин эди: асосига яқин борганда у тирнокли панжага ўхшаб кетса, юқорида эса гул япроқлари орасидаги бола қиёфасига эга бўлган гулга айланарди. Столлар, чекиш столи, манқалларнинг оёқлари ҳамиша ҳайвон ёки парранда панжасининг шаклига ўхшаб кетарди.

Бир нақш турининг бошқасига, ўсимликнинг одам қиёфасига, одам қиёфасининг архитектура деталига ўтиши деворга нақш солишда ҳам қабул қилинган. Бу бир хил шаклларнинг бошқа шаклларга ўтиши бутун-бутун скульптурали композицияларнинг бамисоли ташқаридан очикдан-очик келтирилиши билан уйғунлашиб кетарди.

Қонструктив нарсалар билан декоратив нарсаларнинг, техника билан санъатнинг нисбати қандай эди? Улар биргаликда мавжуд бўлаверарди. Металл шамдоннинг техник жиҳатдан очик конструкцияси ғоят бой скульптура асоси билан бирикиб кетар, бронза стерженлардан қилинган ва шарнирлар билан бириктирилган параллелограммнинг геометрик аниқлиги столча таянчининг ажойиб скульптура бойлиги билан уйғунлашиб кетарди.

Буюм типларининг ўзи ва улар схемаларининг барқарорлиги ажойиб эди. Асосга, гавданинг ўзига ва тугалланишга анъанавий бўлиниш уларда яққол кўзга ташланарди. Ўтирғичларнинг типлари (улар бир нечта эди) авлоддан-авлодга ўтиб такрорланар, фақат ўзининг ташки безагини ўзгартирарди, холос. Турлар ёки типларнинг бундай барқарорлиги буюмларнинг белгили вазифаси билан чамбарчас боғлиқ эди.

Кесишган оёқли махсус стул (селла курулис) жуда юкори лавозимдаги амалдор шахсларнинг — *консуллар* ва *преторлар*нинг ўтириши учун хизмат қилган. Тўғри йиғма оёқли кенг курси жуда оз миқдордаги амалдорларда ва фахрли граждандарда учрарди.

Буюмларнинг белгили вазифаси ҳарбий техника буюмларига мажозий образли муносабатни ҳам вужудга келтирган. Римликлар кўпинча ўз жанговар курулларининг образли белгиларини пайқаб ва киноя килиб, ҳандақларни тўлдириш учун ишлатиладиган машинани «тошбака» дсб, оғир ўк-ёй отиладиган узун хартумли отиш аппаратини «чаён», деворни кулатадиган машинани «қўй» деб атаган эдилар; бу машинанинг чайқалувчи оғир ғўласи (тарани) «қўй»нинг металл боши билан тугалланарди. Бироқ турмушда ишлатилмайдиган машина ва механизмлар ҳали эстетик мазмунга эга эмас эди.

Рим қулдорлик давлати антик цивилизациянинг сўнгги бўғини эди. Бу ерда буюмлар оламига ва ҳозирги замоннинг моддий муҳитни ташкил этишга асосий негиз яратилган эди. Бу айниқса маиший соҳада — шаҳар ва айрим уй-жойлар

миқёсида кўзга ташланади. Шундан кейинги асрлар мобайнида уйлар ва уларнинг анжомлари, мебель ва асбоблар қанчалик ўзгариб кетган бўлмасин,

уларнинг кўплари ўзининг узоқ аجدодлари — антик ҳунармандлар томонидан
ишланган буюмларнинг авлодлари бўлиб келди ва шундай бўлиб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Алексеев С.О. "О цвете и красках". М., 1978 г.
2. Шпара П.Е., Шпара И.П. "Техническая эстетика". Киев, 1989 г.
3. Луцко Э.М. "Теория цвета". Л., 1980 г.
4. Дерибере. "Цвет в деятельности человека". М., 1964 г.
5. Набиев М.Н. "Рангшунослик". Т., 1995 г.
6. Цойгнер Г. "Учение о цвете". М., 1971 г.
7. Печкова "Система классификации цвета". М., ВНИИТЭ, 1969 г.
8. "Руководство по цвету". Л.ЛИСИ, 1967 г.